Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2011-yil, 15-sentabr. Payshanba ● 113 (31.389) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# Давлат ва жамиятни янада демократлаштириш борасидаги муҳим қадам

**Тошкентда маъмурий қонунчиликни янада такомиллаштириш ва демократлаштириш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ва Тошкент давлат юридик институти томонидан Европанинг ҳуқуқ орқали демократия учун комиссияси (Венеция комиссияси) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастур доирасида ташкил этилди.**

Конференцияда Германия, Украина, Франция, Швеция, Эстония ва бошқа қатор хорижий давлатлардан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Хўжалик судлари, Бош прокуратураси, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Божхона ва Солиқ давлат қўмиталари вакиллари, мамлакатимизнинг маъмурий ҳуқуқ соҳаси олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон истиқлолга эришгач, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар давомида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида юксак натижаларга эришилаётгани таъкидланди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда амалга оширилаётган, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигига асосланадиган демократик ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган давлат сиёсатининг юқори самара бераётганидан далолатдир.

Демократик ислоҳотларни босқичма-босқич рўёбга чиқариш доирасида судлар ихтисослаштирилди, кассация институти ислоҳ этилди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди, судлов ишларини амалга оширишнинг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилингани бутун дунёда юксак эътироф этилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш жараёнида кўплаб жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди, яъни оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва халқаро нормаларга жавоб берадиган қонунчилик шаклланди ҳамда мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган комплекс чора-тадбирлар суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш бўйича янги босқични бошлаб берди. Ушбу дастурий ҳужжатда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги ҳар томонлама асослаб берилган. Унда истиқлол йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида юз берган туб ўзгаришлар тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттирилиши лозим.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, Олий хўжалик суди раиси Д.Мирзакаримов, Тошкент давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг етакчи илмий ходими Э.Нажмиддинов ва бошқалар шулар ҳақида гапирди.

Конференция иштирокчилари маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб назарий ва амалий масалаларни муҳокама қилди.

Хорижлик экспертлар Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган янги қонунчилик ташаббуслари жуда долзарблигини, чуқур ва пухта ўйланганини, мамлакатни изчил ривожлантириш вазифаларига тўлиқ жавоб беришини алоҳида таъкидладилар. Концепцияда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, мамлакатимиз ва бошқа давлатларда маъмурий жавобгарлик соҳасидаги қонунчилик базаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш тўғрисида фикр алмашдилар. Уларнинг фикрича, бу борадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашадиган жараёнларни чуқурлаштириш лозим.

*(Давоми 2-бетда.)*

Фракция фаолияти



# Қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди.

Йиғилишда дастлаб «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун масъулият оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 175-моддасига ва «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилиб, депутатлар томонидан тегишли фикрлар билдирилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди. Кодексда транспортда ҳуқуқбузарлик содир этилганда лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёки тугатилишига оид кенг турдаги маъмурий чоралар кўзда тутилган бўлиб, йўналишсиз таксиларнинг ягона таниш белгиси билан жиҳозланмагани учун маъмурий чора қўллаш бўйича қўшимча киритилмоқда.

*(Давоми 2-бетда.)*

## Эътироф

**Мен иқтисодчиман. Юртингизда ишбилармонлар учун яратилаётган кенг имкониятларни кўриб, ҳавас қиламан. Ўзбекистон ҳар қандай соҳада ҳамкорлик қилиш учун ишончли шерик. Бунинг учун ҳам ҳуқуқий, ҳам сармоявий жиҳатдан қулай муҳит яратилган. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шахсан мамлакат раҳбари ташаббус кўрсатаётгани таҳсинга лойиқ. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Мамлакатингиз тез орада тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олади».**

**Игнасио ЭСПИНАЛ,**
***(Испания).***

**Хизмат тақозоси билан дунёнинг кўп мамлакатларида бўламан. Бироқ ишонинг, ҳеч қаерда ўзбек маҳаллаларига хос бағрикенглик ва меҳр-оқибатни кўрганим йўқ. Бу ерда ҳар бир инсонни дўст-биродар сифатида қадрлашади, шарқона такаллуф билан сийлашади. Бундан ибрат олса арзийди».**

**Григорий САГАРЯН,**
***(Арманистон).***



# Меҳнат ярмаркаси кўмагида

**Аҳолининг бандлик даражасини ошириш, меҳнатга лаёқатли ҳамюртларимизни иш билан таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Фарғона шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратураси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ҳамкорлигида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда юздан ортиқ корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

— Ярмаркада 360 нафардан зиёд фуқаро ишга кириш учун йўлланма олди, — дейди шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари М.Эминов. — Қирқ нафардан ортиқ хотин-қиз тикувчилик, каштачилик, зардўзлик сингари ҳунарларни ўрганиш учун ўқишга юборилди. Кўплаб фуқароларга меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли маслаҳатлар берилди.

— Жорий йил Фарғона шаҳридаги 2-тиббиёт коллежини имтиёзли диплом билан тамомладим, — дейди ярмарка орқали ишга жойлашган ёшлардан бири Мафтуна Миролимова. — Ярмаркада иштирок этиб, Фарғона вилояти перинатал марказига ҳамшира бўлиб ишга кирганимдан хурсандман.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида 69 мингдан зиёд киши иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

# Истеъмол бозори

## *уни маҳаллий маҳсулотлар билан бойитайлик*

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинган. Унда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилиш каби вазифалар белгиланган.

Ҳозир маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари бу борада қатор ишларни амалга оширмоқда. Кенгаш сессиялари ва доимий комиссиялар мажлисларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижросига боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилаяпти.

Яккабоғ туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «2011 йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурларни бажариш доирасида истеъмол бозорини маҳаллий товарлар билан таъминлаш аҳволи тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Сессияда туман ҳокими ўринбосари Бойназар Доверовнинг ҳисоботи тингланди.

Маълумотга кўра, туманда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб, жорий йилда 35 815,4 миллион сўмни ташкил этган. Саноат корхоналари сони эса бугунга кунда 158 тага етди. Ўтган даврда маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун катта имконият яратилди. Айниқса, «Яккабоғтекс» ва «Хумотекс» корхоналарининг ишга тушиши ип-газлама маҳсулотлари билан истеъмол бозорини тўлдиришга замин яратди. Шунингдек, «Яккабоғ тўқимачилик фабрикаси» негизида янги «ЭАУСС Сардор» ишлаб чиқариш савдо фирмаси ташкил топди. Натижада 70 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Туманда аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозир 12 та нон ва нон маҳсулотлари, 15 та қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган, 2 та гўшт ва 1 та сутни қайта ишлайдиган корхона фаолият юритмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4 марта ошди.

Туманда ҳозир 50 дан ошиқ чорвачилик хўжалиги аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бераяпти. «Кумуш куз файзи» агрофирмаси, «Омал», «Ўктам инвест» МЧЖ, «Оқтош келажаги» МЧЖ, «Қутанбой жавоҳири» каби паррандачилик хўжаликлари фаолият юритмоқда. Бу хўжаликларда 45 минг бош парранда боқилаяпти.

Шунингдек, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш мақсадида тижорат банклари 7 та тадбиркорлик субъектига 109,5 миллион сўмлик кредит ажратди.

⇨ 2

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи



# Ҳакамлар ҳайъатини лол қолдирган юртимизнинг истеъдодли фарзандлари

⇨ 4

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!
Обуна индекси — 220

O‘zbekiston havo yo‘llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Фракция фаолияти

# Қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)



«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди. Кодексда транспортда ҳуқуқбузарлик содир этилганда лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёки тугатилишига оид кенг турдаги маъмурий чоралар кўзда тутилган бўлиб, йўналишсиз таксиларнинг ягона таниш белгиси билан жиҳозланмагани учун маъмурий чора қўллаш бўйича қўшимча киритилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, «Халқаро электр алоқаси иттифоқининг 2006 йилги (Анталия) ва 2010 йилги (Гвадалахара) Ваколатли конференциялари томонидан Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Устави ва Конвенциясига доир қабул қилинган Тузатиш ҳужжатларини ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида кўзда тутилган мақсад — Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқи фаолиятида нуфузини ошириш, самарали ва фаол иштирок этиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашдан иборат.

Шуни айтиш керакки, барча масалаларга электорат манфаатидан келиб чиқиб ёндашилди ва муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

**Икром МУСАЕВ,**
**ЎзХДП МК Матбуот хизмати ходими.**

ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

# Истеъмол бозори

## *уни маҳаллий маҳсулотлар билан бойитайлик*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Яккабоғда ўтган йиллар мобайнида маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарали йўлга қўйилди. Жумладан, мебель («Жонибек» ва «Арсенал мебель люкс» хусусий корхонаси), қандолат («Мадина Светшланг», «Бахтлий», «Озод Лутфхон» хусусий корхоналари), полиэтилен («Яккабоғ термопласт» хусусий корхонаси), колбаса («Қорабайир» МЧЖ) ва бошқа бир неча хил маҳсулотлар маҳаллий бозорга чиқарилмоқда.

Бандлик дастурига асосан жорий йилнинг шу давригача 3406 та янги иш ўрни яратилди. Кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига 896 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 396 та, касаначилик ҳисобига 1438 та, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 21 та очилган иш ўрни шулар жумласидандир.

Аммо ҳали қилинадиган ишлар кўп. Шу боис сессия қарорида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш, янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига технологик жиҳозлар сотиб олиш ва айланма маблағларини шакллантириш учун зарур кредит ажратишга кўмаклашиш, қишлоқ жойларда маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш ҳамда саноат кўламини кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди. Бу вазифаларни амалга ошириш депутатлардан янада фаол бўлишни талаб этади.

**Музаффар ТУРОПОВ**

«ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2011» кўрик-танлови қатнашчилари таклиф ва мулоҳазалари



**Саида МАТЁҚУБОВА,**
*Урганч санъат коллежи ўқитувчиси:*

— Танловнинг республика босқичида биринчи ўринни эгаллаш учун қаттиқ ҳаракат қилдим. Очиғи, санъат соҳаси вакили бўлганим учун сиёсий ва ҳуқуқий саводхонликка оид савол-жавоб шартида бироз қийналдим. Аммо тайёргарлик жараёнида ҳам, танлов вақтида ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини янада чуқурроқ англадим, билмаган кўп нарсаларимни ўргандим. Энг муҳими, истеъдодли, мақсад сари қатъий интилувчи, ҳаётда ўз ўрнини эгаллаш ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун курашувчи дўстлар орттирдим, бу — катта бойлик.

Сиёсатчи учун нотиқлик санъатини эгаллаш жуда муҳим. Бу бир вақтнинг ўзида бир қанча ижтимоий ва аниқ фанларни пухта билишни талаб этади. Шунинг учун мен бундан буён нотиқлик қобилиятимни ошириш устида муттасил ишлашим керак, деган хулосага келдим.

Бухоро вилоятидан келган вакилнинг таништирув шартидаги иштироки ўзини ўзи, истиқомат қилаётган шаҳардаги партия кенгаши, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини таништириш усули, умуман, маҳорати менга жуда ёқди. Бошқа иштирокчилардан ҳам кўп нарса ўргандим.



**Наргиза МУСТАФОЕВА,**
*Сурхондарё вилояти иштирокчиси:*

— Мамлакатга ҳар доим кучли сиёсатчилар керак. Мен Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси каналлари орқали намойиш этилган «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгги талвасаси» номли фильмни томоша қилиб, шунга амин бўлдимки, 1989-1991 йилларда мамлакатимизни даҳшатли балоқазолардан, аввало, Яратганнинг ўзи ва Юртбошимизнинг доно сиёсати асраб қолди. Агар ўз вақтида шундай сиёсат юритилмаганида бугун биз озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қура олмасдик. Демак, миллат тақдири, эртанги куни, истиқболида тарихий шахслар, сиёсатчиларнинг ўрни беқиёс. Биз бундан сабоқ чиқариб олишимиз даркор.

Президентимиз «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деб таъкидлаган. Бу зиммамизга улкан масъулият юклайди. Танловда тенгдошларимнинг барча чиқишларини кузатиб, шу ўйлар хаёлимдан ўтди.



**Лазиза ШЕРОВА,**
*«Истиқбол» ёшлар қаноти*
*Бухоро вилоят бўлими етакчиси:*

— Танлов юқори саъвияда ўтди. Мамлакатимизнинг ўн тўртта минтақасидан келган ҳар бир иштирокчи шартлар бўйича жуда пухта тайёргарлик кўрган. Уларнинг ҳар бири беллашув давомида ўз ижтимоий-сиёсий фаоллигини кўрсатди. Шартлар бўйича белгиланган вазифаларга ЎзХДП позицияси, ғоялари ва мақсадлари асосида ёндашди. Шу тариқа улар партия ҳаётида фаол иштирок этаётганини, мамлакатимизда ва унинг атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмаслигини, ўз мустақил фикри ва қараши борлигини исботлашди.

Умуман олганда, бу танлов орқали билимларимиз янада ошди, ўзаро тажриба алмашиш, яхши ғояларни оммалаштириш имкони вужудга келди.



**Сардор АБДУЛЛАЕВ,**
*«Истиқбол» ёшлар қаноти Фарғона вилоят бўлими етакчиси:*

— Танлов савияси йилдан-йилга ошиб бораётганини кузатдим. Унинг иштирокчилари сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Мисол учун, бизнинг вилоятимиз бўйича танловда ўтган йили 570 нафар йигит-қиз иштирок этган бўлса, бу йил 900 нафардан ортиқ тенгдошим ўз билимини синаб кўрди.

Бу танлов тўрт йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Унга қизиқиш ҳам, талаб ҳам ортиб бормоқда. Менимча, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимини кенг намоён этишига имкон берадиган, уларнинг истеъдодини яққол кўрсатадиган шартларни кўпроқ қўшиш, айрим шартларни эса чиқариб ташлаш ёки такомиллаштириш керак. Менга Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятидан келган иштирокчиларнинг чиқишлари жуда ёқди. Улар ўз билими, иқтидори билан юқори ўринларни эгаллашди. Улардан нафақат мен, балки танловнинг барча иштирокчилари, томошабинлар ҳам кўп нарсаларни ўрганишди.

**Асли КАМОЛ ёзиб олди.**

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

# Бошланғич сармоя

## *янги иш ўринлари яратиш, шу орқали аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омилидир*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Марказий банк билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида «Оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари» мавзусига бағишланган иқтисодий форум ташкил этди. Унда оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, юртимиз иқтисодиётига ҳисса қўшаман деган ва ўз бизнес лойиҳасига эга бўлган фуқароларнинг бошланғич сармоясини шакллантириш масаласига эътибор қаратилди.

— Ўтган йилларда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръат билан ўсиши халқимиз ҳаёти фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробар кўпайди, бу эса кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаётганини кўрсатади. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган иқтисодий форумлар ҳам айнан шунга — аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган. Аввало, партия электоратининг иқтисодий билимини бойитиш, ислоҳотлар моҳиятини уларга тўлақонли етказиш, электоратнинг вақтинча иш билан банд бўлмаган вакиллари учун янги иш ўринлари очиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш форумнинг асосий мақсадидир.

Тадбирда бизнесни ташкил этиш, мустақил иш бошлашнинг асосий шартлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида батафсил сўз юритилди. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган кишилар сафини кенгайтириш, касаначилик ва ҳунармандчиликдан тадбиркорликка ўтиш йўллари ҳақида фикр алмашилди.

— Касаначилик — иш берувчининг буюртмасига кўра маҳсулот тайёрлашни уйда ташкил қилишга асосланган, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ҳафиза Каримова.** — Касаначилик ҳам оилага, ҳам иш берувчига фойда келтиради. Кўпгина касаначи ва ҳунармандлар молия муассасаларидан имтиёзли кредит олиб, оилавий тадбиркорлик, кичик бизнесни йўлга қўймоқда. Бу қувончли, албатта.

Форум доирасида қишлоқ хўжалиги, паррандачилик ва чорвачилик, каштачилик, гиламдўзлик каби соҳалар учун имтиёзли кредит ажратиш ҳақида фикр юритилди. Бу — оилавий тадбиркорлик қамровини кенгайтиришга, айни пайтда, бозорларимизнинг арзончилиги, мўлкўллигига хизмат қилади.

Тадбирда оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида кредит олиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш, кредит олиш ва ундан самарали фойдаланиш юзасидан зарур маслаҳатлар берилди. Ўз навбатида, кредит ажратиш борасидаги турли мавзулар бўйича иштирокчилар саволларига мутахассислар жавоб қайтаришди.

— Тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли соҳа жамият тараққиётининг таянчи ва суянчига айланмоқда, — деди **Марказий банк департамент бошлиғи Актам Сайфуллаев.** — Иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келаётир. Жорий йилда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига кўра, тижорат банклари томонидан тармоқ субъектларини ривожлантириш учун 3 триллион 556 миллиард сўм миқдорида кредит ажратиш режалаштирилган. Бу эса тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш билан бирга, кўпдан-кўп иш ўринлари очиш имконини беради.

— Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандлик билан шуғулланаман деган киши учун микромолиявий хизматлардан фойдаланиш қўл келади, — деди **ОАТБ «Микрокредитбанк»нинг Микромолиявий хизматлар кўрсатиш департаменти директори Зулфия Каримова.** — Йил давомида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 12 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратиш кўзда тутилган. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар ажратиш Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган дастур асосида олиб борилаяпти. Банкимиз томонидан бошланғич сармояни шакллантириш, янги ғоялар ва лойиҳалар асосида ишни янада жонлантириш учун айланма маблағни тўлдиришга имтиёзли микрокредитлар ажратилмоқда. Ўйлайманки, Жиззах вилояти бўйича ажратилган микрокредитлар нафақат оилалар, балки ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади. Кредит олиш учун тақдим этилган бизнес-режалар билан танишганда бунга амин бўлдик...

Айтиш ўринлики, ЎзХДП фаоллари вилоят миқёсида Марказий банк ва тижорат банклари кўмагида кредит олиш ва уни ишлатишга лаёқатли электорат вакилларини аниқлаш ишларини олиб борди. Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ўз ишини бошлашни хоҳлаган электорат вакиллари, аёллар ва ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчилари томонидан тақдим этилган бизнес-лойиҳалар ўрганиб чиқилди. Истиқболли деб топилган лойиҳа муаллифларининг 50 нафарига имтиёзли кредит бериш бўйича тижорат банкларининг сертификатлари топширилди.

— Яқинда ўқув марказида тикувчилик курсини тамомладим, — дейди **ғаллаороллик Чарос Абдураҳмонова.** — Парда, бисер тикиш ҳамда бу ҳунарнинг бошқа сир-асрорларини ўргандим. Лекин ўз фаолиятимни бошлаш учун қўлимда етарли маблағ йўқ. Шу боис уйда бекор ўтирган эдим. Форумгача банк менинг бизнес-лойиҳамни ўрганиб чиқди. Бугун кредит олиш бўйича сертификатга эга бўлдим. Бунга тикувчилик учун зарур ускуналар харид қиламан.

— Мен Фориш туманида истиқомат қиламан, — дейди **Эркин Аманкелдиев.** — Қишлоғимиз тоғ ва адирлар этагида жойлашган, чорвачиликни ривожлантириш учун имконият катта. Албатта, мол сотиб олиш учун маблағ бўлиши керак. Шунинг учун чорвачиликни ривожлантириш мақсадида бизнес-режа тузиб, Халқ банкига топширган эдим. Лойиҳам истиқболли деб топилди. Бугун банк имтиёзли сертификат берди. Ишим юришиб кетса, гўшт, сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиб, янги иш ўринлари ташкил қилиш ниятим бор...

Форум доирасида касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни бошлаган электорат вакиллари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда тижорат банкларининг микромолиявий хизматлари бўйича методик услубий қўлланмалари намойиш этилди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида вилоятдаги 260 та ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги корхоналари, молия ва олий таълим муассасалари, консалтинг ва аудиторлик фирмалари, саноат корхоналари ўзларидаги 400 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашди.

Маълумки, меҳнат ярмаркаси иш берувчилар иқтидорли ёш мутахассисларни излаб топишида қўл келмоқда. Чунки ёшлар ўз ташаббусларини шу ернинг ўзида иш берувчиларга ҳавола қилиб, юқори билим ва малакасини намойиш этмоқда. Бу эса улар орасидан энг иқтидорли, ташаббускор, салоҳиятли кадрларни танлаб олиш имконини яратмоқда. Тадбир кўплаб хотин-қизлар, ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва бошқаларнинг доимий иш ўрнига эга бўлишига ёрдам бераяпти.

Форум дастурига кўра, кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Унда ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар фуқароларни қабул қилишди. Мурожаатларни тегишли тартибда кўриб чиқиб, амалий ёрдам беришни билдиришди.

Иқтисодий форум ўз кўлами, мазмун-моҳияти ва партия электорати манфаатларини таъминлашга, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан кўпчиликка манзур бўлди.

**Меҳрож ДАРХОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими.**

# Давлат ва жамиятни янада демократлаштириш борасидаги муҳим қадам

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар кўплаб халқаро конференцияларда муҳокама этилаётгани юксак эътиборга сазовордир, — деди Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Муваққат ишлар вакили Ондрей Шимек. — Бу барча жабҳаларда қонун устуворлигини таъминлашдаги муҳим қадамдир. Ислоҳотларнинг очиқ ва ошкоралиги демократлаштириш жараёнини кучайтиришга хизмат қилади. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон турли йўналишларда, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ўзгаришларни чуқурлаштириш борасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу йил ушбу ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди».

«Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич изчиллик билан амалга оширилмоқда, — деди Венеция комиссияси аъзоси Гарри Гштолл (Лихтенштейн). — Венеция комиссиясининг Ўзбекистон ҳам иштирок этаётган «Қонун устуворлиги» дастури доирасида демократик ислоҳотлар жараёнида халқаро стандартларни қўллаш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда. Улар амалий ва фойдали мулоқот ўтказиш, миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари, чунончи, маъмурий жавобгарлик соҳасидаги нормалар билан янада уйғунлаштириш имконини беради».

«Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқ асосларини шакллантириш босқичи муваффақиятли якунланди, — деди Гамбург университетининг ҳуқуқ бўйича профессори Отто Люхтерхандт. — Мен ушбу соҳадаги қонунларни ишлаб чиқиш бўйича бир қанча лойиҳаларда иштирок этдим. Бу борада келгусида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш нафақат долзарб, балки фуқаролар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш учун ғоят ҳаётий зарур аҳамиятга эга. Чунончи, бугунги кунда Германияда кўплаб тадбиркорлар мамлакатингиз иқтисодиётига инвестиция киритишдан манфаатдор. Бундай ҳамкорликни кенгайтириш кўпроқ маъмурий ҳуқуқни такомиллаштиришга боғлиқ. Ушбу туб ўзгаришларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатингизда хорижий инвесторлар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қўшилган муҳим ҳисса бўлади».

«Мен Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб келмоқдаман, — дейди Украина Олий маъмурий суди судьяси Михаил Смокович. — Кўплаб жиноятларнинг ижтимоий хавфи бўлмаган жиноятлар тоифасига, яъни маъмурий судлов соҳасига ўтказилиши шулар жумласидандир. Шу сабабли тегишли қонунчилик ва тизимни янада такомиллаштириш вақти келди. Менимча, мамлакатингиз энг тўғри йўлни танлаган ҳамда бу ислоҳотларнинг ташаббускори ва раҳнамоси Президент Ислом Каримов эканлиги жуда муҳимдир. Ўзбекистонда келажакда амалга ошириладиган ислоҳотлар катта демократик тараққиёт сари олиб боради, деб ўйлайман».

Мухтасар айтганда, конференция қатнашчилари Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида эришилган ютуқлар ва уни ислоҳ қилиш борасидаги тажрибага юксак баҳо бердилар. Хорижлик экспертларнинг умумий фикрига кўра, Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда нафақат суд-ҳуқуқ тизимида, балки бошқа жабҳаларда ҳам изчил демократик ислоҳотларни кенгайтириш учун мустаҳкам замин бўлади, ўз олдимизга қўйган мақсадга эришиш — дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига қўшилиш имконини беради.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қишлоқларимиз қиёфаси

# Одамлар обод овулларда яшаяпти

**Қорақалпоғистон қишлоқ ва овулларида катта бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Корхоналар, янги уй-жойлар, йўллар ва кўприклар қурилмоқда. Хиёбонлар, боғ-роғлар, маданият ва истироҳат боғлари барпо этилмоқда. Бугунги қишлоқ ва овуллар шаҳарлардан қолишмайди.**

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасининг 14 туманида 310 та, умумий майдони 39084,26 квадрат метр бўлган замонавий уй-жойлар қурилиб, талабгорларга топширилди. Бу жараёнда 16267,594 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Уй-жойлар қурилишини сифатли ташкил этиш учун 2010 йил 25 октябрда «Қишлоққурилишинвест» инжеринг компанияси Қорақалпоғистон филиали танлов савдолари ўтказди ва 37 та пудратчи корхона танлаб олинди. Улар билан шартнома тузилиб, 24 та массивда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди.

Бу йил 24 та қишлоқ ва овул ҳудудида намунавий лойиҳа асосида 345 та уй-жой қурилиб, эгаларига топшириш кўзда тутилган. Ўтган олти ой ичида умумий майдони 19 285 квадрат метр бўлган 131 та уй-жой қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди, 17301,1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилди. Қолган 214 та уй-жой қурилиши ҳам охирлаб қолди, шу кунларда калитлар эгасига топширилади.

Республиканинг 13 туманида қад ростлаган уй-жойларнинг 324 таси 4 хонали, 21 таси 5 хонали. Айни вақтда 33 та манзилда ижтимоий ва бозор инфратузилмаси, 4 та гузар, 13 та савдо маркази, 1 та деҳқон бозори, 2 та новвойхона, 6 та спорт майдончаси, 2 та минибанк, 3 та милиция таянч пункти, 2 та аҳолига хизмат кўрсатиш маркази барпо этилди.

Амударё туманидаги 3 та массивда 50 та уй-жой қад кўтарди. «Тақирқалъа» массивида Баҳодир Тўрабоев раҳбарлик қилаётган «Қурилишхизмат» масъулияти чекланган жамият қурувчилари 25 та уй-жойдан 8 тасини, «Олмазор» массивида Шавкат Ўразбоев раҳбарлик қилаётган «Амударё» масъулияти чекланган жамият аъзолари 10 та уй-жойдан 5 тасини сифатли қуриб, фойдаланишга топширди.

Элликқалъа туманидаги 7 та массивдаги уй-жойларни қурувчилар ниҳоятда кўркам ва чиройли қилиб битказишмоқда. 7 та массивда 60 та уй-жой қурилмоқда. «Қилчиноқ» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қилчиноқ» массивида Мақсуд Сапарбоев раҳбарлик қилаётган «Аёзқалъа» махсус қурилиш масъулияти чекланган жамият қурувчилари 5 та, «Қирққиз» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қирққиз» массивида «Қирққиз» махсус қурилиш масъулияти чекланган жамият қурувчилари 10 та уй-жойни қуриб битказишди. «Ақчакўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ақчакўл» массивида Хайрулла Тажимуратов раҳбарлик қилаётган «Ақчакўл» махсус қурилиш масъулияти чекланган жамият қурувчилари 10 та уй-жойдан 5 тасини битказишди.

Тахтакўпир туманидаги «Мелиоратор», Чимбой туманидаги «Улкан қанли» массивларида намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган замонавий уй-жойлар кишининг ҳавасини келтиради.

Хўжайли туманидаги Ойбек посёлкасида «Бинокор-21» масъулияти чекланган жамият қурувчилари барпо этган уйларни кўриб, хурсанд бўласан киши.

— Шу кунга келиб 10 та уй-жойдан 5 тасини битказиб қўйдик, — дейди Жамиятнинг масъул ходими Рафатдин Олимов. — Янги лойиҳанинг аввалгиларидан фарқи шундаки, қураётган уйларимиз шинам, қишлоқ аҳолиси талабига жуда мос. Хоналари кенг, ошхона, душ-ҳаммом, ёзги айвон, канализация, ҳамма-ҳаммаси мавжуд. Томорқаси бор. Дарвозадан кираверишда гул экиладиган майдон, тоза ичимлик суви, газ...

— Сувоқчиман, — дейди Фарҳод Қуйшиев. — Қураётган уйларнинг сувоқдан чиқараман...

— Қурилишда 41 нафар одам ишлайди, — деб суҳбатга қўшилади бригада раҳбари Сапарбой Маханов. — Улар ғишт теради, сувоқ қилишади. Фарҳод эса шуларнинг энг ёши...

— Қирқ йилдан бери шу соҳада ишлайман, — дейди дурадгор Мавлон Бобожонов. — Раҳим Туркманбоев, Самандар Бобожонов, Комил Сейтжанов билан бирга том ёпамиз. Эшик-ром ўрнатамиз, ёзда кўнгил очадиган айвон қурамиз. Биласизми, талаб жуда баланд, ҳар бир иш сифатли бўлиши лозим. Элнинг дуосини олайлик деб астойдил меҳнат қилаяпмиз...

Қанликўл тумани «Бўстон» овул фуқаролар йиғини ҳудудида «Жанатилек» массивида Темир Жабборов раҳбарлик қилаётган «Элат» ободонлаштириш масъулияти чекланган жамият аъзолари 10 та уй-жой қурилишини якунлади. Жамиятда 38 нафар одам ишлайди. Баҳром Қурбониязов бош бўлган ғишт терувчилар, Манас Қодиров раҳбарлик қилаётган бетончи ва монтажчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Нукус тумани «Узункўл» массивида 50 та уй-жой қурилмоқда. Шу ерда ишлаётган «Амударё» масъулияти чекланган жамият раҳбари Қурваншбой Алиев:

— Биз 10 та уй-жой қураяпмиз, — дейди. — Шундан 8 таси 5 хонали, 2 таси 4 хонали. Ҳозир жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Дунёда уй-жой қуришдан савоб ишнинг ўзи йўқ. Унда одамлар яшайди, ўғил-қизлар туғилади, камол топади. Яна бу уй-жойлар юрт кўркига кўрк бағишлайди...

«Қишлоқурилишинвест» инжеринг компанияси Қорақалпоғистон филиали Республика қишлоқ ва овулларида такомиллаштирилган намунавий лойиҳа асосида якка тартибда 500 та уй-жой қуришни режалаштирган. Бунинг учун туманларда ер ажратилган, топохарита ва геология хулосалари олиниб, ишчи лойиҳа ва қолган ҳужжатлар Давлат экспертизасига тақдим этилган. Демоқчимизки, қишлоқларда қурилиш кўлами йилдан-йилга кенгайиб, қишлоқ меъморчилиги шаклланиб бормоқда, унинг маҳсули бўлган кўркам ва замонавий турар-жойлар юрт ободлигига хизмат қилмоқда.

Шуниси қувончлики, энг улуғ ва энг азиз байрам кунлари 345 та оила аҳли шоду хуррамлик билан Мустақиллик айёмини янги уйларда нишонлади.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Эътироф ва шукроналик

# Мустақиллик энг тотли неъмат

**Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Мустақиллик тантаналари чоғида хорижлик меҳмонлар, меҳнат фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олган эдик.**

— Мустақиллик байрами ҳар бир халқ учун мўътабар, — дейди **афғонистонлик меҳмон Ҳожи Аминилло Аминзода.** — Айниқса, воҳа аҳлининг юз-кўзида балқиб турган хушчақчақлик, кўтаринки кайфият менинг қалбимни ҳам завқу шавққа тўлдирди. Чор-атрофдаги улкан қурилишлар, равон йўллар кўрган кўзни қувнатади. Шу тобда тинч ҳаёт, осуда турмуш кечираётган халқингизга ҳавасим келяпти. Мустақиллик нақадар тотли ҳамда бебаҳо неъмат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз археология музейи менда катта таассурот қолдирди, — дейди **Деҳли университети профессори Лолитта Неру.** — Бу ердаги минг йиллардан сўзлагувчи ҳар бир экспонат, бетакрор осори атиқалар, шунингдек, вилоятдаги бошқа юзлаб қадимий ёдгорликлар аждодларингиз дунё цивилизациясига муносиб улуш қўшганидан дарак беради. Бундан ташқари, шаҳардаги янги спорт иншоотлари, маҳобатли турар-жойлар узукка кўз қўйгандек ярашибди.

— Темир йўл соҳасида меҳнат қилаётганимга ҳам ўттиз йилдан ошди, — дейди **Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 166-йўл машина станцияси қуриш механизми машинисти Юсуп Зияев.** — Мустақиллик йилларида бу тизимда амалга оширилган буюк ўзгаришларни бугун жаҳон ҳамжамияти, таниқли мутахассис ва сиёсатчилар эътироф этмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан дастлаб «Учқудуқ — Султон — Увайстоғ — Нукус», кейин «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли фойдаланишга топширилди. Азим тоғлар, улкан қоялар, бепоён кенгликлар бағридан пўлат из ўтгач, юртимизда яхлит тизим вужудга келди. Бундай улуғ ишларнинг замирида энг аввало, истиқлол берган имконият мужассам.

— Бошимиздан не-не оғир кунлар, не-не синовлар ўтмади, — дейди **102 ёшни қаршилаган олтинсойлик онахон Ўғилой Алмардонова.** — Уруш ва қатағон йилларидаги қийинчиликлар, йўқчилик, қирғинбарот дамлар. Ҳаёт — мактаб, деганларидек барига чидадик, сабр-бардош билан қора кунларни ўтказдик. Мустақиллик эса халқимизга бебаҳо кунларни туҳфа этди. Юрт отасининг оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Биз яшаётган «Шакарқамиш» маҳалласи вилоят марказидан қарийб 200 чақирим олис бўлишига қарамай, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминланди. Қишлоғимиздаги янги уй-жойларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Буларнинг бари Истиқлол шарофати, янги замон иноятти. Бугунги ёруғ кунларга етказгани учун Яратганга минг-минг шукроналар айтаман.

— Мустақиллик йилларида ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди, — дейди **Термиз шаҳри фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими бошлиғи Шарофат Илиева.** — Бу йил шаҳримизда янги «Бахт уйи» бунёд этилди. Миллий ва замонавий меморчилик услублари асосида қурилган бу кўркам бинода барча қулайликлар яратилган. Янги оилага мана шундай қутлуғ даргоҳларда тамал тоши қўйилади.

Бизнинг бошқа суҳбатдошларимиз ҳам Мустақиллик — энг тотли неъмат эканини, мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Юртимизда шодон кунлар, шукуҳли дамлар, тўю тантаналар янада кўпайсин, дея эзгу тилак билдиришди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Янги иш ўринлари

***Қарши туманида бандлик дастурини амалга оширишга доир истиқболли лойиҳалар ҳаётга жорий этилмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси раиси, партиямиздан туман Кенгаши депутати Дилором Умарова берган маълумотга кўра, шундай ибратли ишлардан бири «Ҳасан ота» фермер хўжалигида амалга оширилди.***

Хўжаликда 20 минг бош парранда парвариш қилинаётган эди, мазкур лойиҳа учун 100 миллион сўм маблағ сарфланиб, янги бино қурилди. Эндиликда мазкур бинода 20 минг товуқ боқиш имкони мавжуд. Бу яна 10 киши ишли бўлади ва даромад кўпаяди, дегани-дир.

**Ю.УЗОҚОВ**

## Маҳсулот

### тури кўпайиб, сифати яхшиланмоқда

***Шўрчи туманидаги «Анвар Аброр Дилшодбек» мебель ишлаб чиқариш хусусий корхонаси 2009 йилда ташкил топган. Айни кунларда бу ерда 20 турга яқин турли мебеллар ишлаб чиқарилмоқда.***

— Дастлабки йилда жамоамиз томонидан саноқли маҳсулот тайёрланган бўлса, йиллар давомида уларнинг сони анча кўпайди, — дейди корхона раҳбари Анвар Саидов. — Корхонамизда ўндан зиёд қишлоқ ҳунармандлари иш билан таъминланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида «Қишлоқ қурилиш банк»дан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олдик. Мақсад — хориж ускуналарини харид қилиб, маҳсулотларимизнинг турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилашдир. Шу билан бирга, янги иш ўринлари яратмоқчимиз.

**А.ҲАЙДАРОВ**

Қонун барчага баробар

# Шаҳар бедарвоза эмас

**Ҳар бир ишнинг қонун-қоидаси бор. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига чиқиш ва киришда ҳам белгиланган тартибга амал қилиш талаб этилади. Афсуски, айрим фуқаролар қонунларни яхши билмаслик ёки менсимаслиги сабабли белгиланган қоидани бузишмоқда.**

Тошкент аэропорти ТИИБда 2011 йилнинг ўтган етти ойида 382 та қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятлари содир этилгани қайд қилинди. Тергов қилинган жиноят ишлари бўйича 257 нафар фуқаро жиноий жавобгарликка тортилди.

Ушбу тоифадаги жиноятлар таҳлил қилинганида 10 та ҳолатда бошқа шахсларнинг паспортларидан фойдаланган ҳолда ёки қалбакилаштирилган паспорт билан қонунни бузгани, 199 та ҳолатда визасиз, 8 та ҳолатда виза қалбакиллаштирилгани ва 165 ҳолатда чегарани айланиб ўтиш билан боғлиқ жиноят содир қилингани аниқланди.

Айбланувчиларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикасига чегарадош қўшни давлатлар орқали бошқа мамлакатларга қонунга хилоф равишда чиқиб кетганлиги маълум бўлди.

Масалан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида яшовчи Мунаввар Ибраимахунова 2009 йилнинг август ойида Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳри орқали «Манас — Истанбул — Омон» йўналишидаги транзит рейс билан Омон давлатига, у ердан Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига борган. Фуқаролик паспортини йўқотиб қўйганлиги сабабли, у Дубай шаҳри полицияси ходимлари томонидан ушланиб, БААда бўлиш қоидаларини бузганлиги учун қамаб қўйилган. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг Дубай шаҳридаги Консуллиги томонидан тегишли гувоҳнома расмийлаштирилиб, у Тошкентга жўнатиб юборилган.

Ушбу ҳолат юзасидан М.Ибраимахуновага ЖКнинг тегишли моддаси билан айб эълон қилиниб, жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судига юборилган ва суднинг ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланган.

Урганчда яшовчи Лайлохон Рузметова 2008 йил март ойида Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига боришни режалаштиради, аммо ўзига тегишли фуқаролик паспортида чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи «рухсат ёзуви» бўлмаган. У ушбу мамлакатга рухсат ёзуви талаб қилмайдиган давлатлар орқали боришга қарор қилган. Шундан кейин Л.Рузметова Қирғизистон Республикасининг Бишкек шаҳрига ўтиб, у ердан Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрига учиб борган.

2011 йил 29 апрель куни «Дубай — Тошкент» йўналаши бўйича учиб келган йўловчилар чегара назоратидан ўтказилганда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Л.Рузметовага тегишли бўлган фуқаролик паспортида чет элга чиқиб келганлигини тасдиқловчи белгилар мавжуд бўлса-да, чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсат ёзуви бўлмаганлиги аниқланиб, унга нисбатан тегишли чора қўлланилди.

Шунингдек, Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳрида яшовчи Мастура Нугманова айланма йўллар орқали тегишли тартибни бузиб, Ўзбекистон Республикасидан чиққан ва фуқаролик паспортида хорижга чиқиш учун рухсат визаси йўқлигига қарамасдан Қозоғистон Республикасининг Тараз шаҳри орқали Туркия давлатининг Истанбул шаҳрига борган.

2011 йил 20 май куни «Истанбул — Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган йўловчилар чегара назоратидан ўтказилганда, Ўзбекистон Республикаси фуқароси М.Нугмановага тегишли бўлган фуқаролик паспортида чет элга чиқиб келганлигини тасдиқловчи белгилар мавжуд бўлса-да, чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи рухсат ёзуви бўлмаганлиги аниқланди. Унга ҳам қонуний жазо тайинланди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим. Фуқаролар йиғини раиси ўз ҳудудида яшовчиларни ҳисобга олиб бориши, шунингдек, тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан, фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашиши лозим. Аммо айрим фуқаролар йиғини раислари қонунда кўрсатилган ваколатларидан самарали фойдаланишмаяпти ва бунинг оқибатида фуқаролар қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилиб, ўзларига ташвиш орттиришмоқда ва тегишли жазога тортилмоқда.

**Юқорида номлари қайд этилган фуқаролар чет эл давлатларида юрган бўлсада, фуқаролар йиғини, профилактика инспекторлари томонидан уларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинмаган. Ушбу мисоллардан шуни англаш мумкинки, чет элларга чиқиш ва республикамиз ҳудудига кириш тартиблари тўғрисида тушунтириш ишлари жойларда етарли даражада олиб борилмаяпти.**

**Тошкент аэропортидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу тоифадаги жиноят ишлари бўйича ўтказилган дастлабки тергов ҳаракатлари шуни кўрсатдики, муайян шахслар Ўзбекистон Республикасидан чет элга қонунга хилоф равишда чиқиб кетганликларидан профилактика инспекторлари ва фуқаролар йиғини масъуллари бехабар бўлганлар. Ота-оналари эса фарзандлари тақдирига бефарқ қараб, ўз вақтида тегишли давлат органларига мурожаат қилишмаган.**

Ана шундай лоқайдликлар оқибатида қонунни бузган фуқаролар ва уларнинг оиласи бошига қанча ташвишлар тушмоқда. Бундай нохушликлар бўлмаслиги учун ҳамжиҳатликда ишлаб, доимо огоҳ бўлиш талаб этилади. Мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига чиқиш ва киришда белгиланган қонун-қоидага қатъий амал қилинса, ортиқча ташвиш бўлмайди.

**Олим АБДУСАМАТОВ,**
**Тошкент авиация транспорт прокурори катта ёрдамчиси.**

Фожиа



# Авиаҳалокат сабаблари ўрганилмоқда

### ҳозирча 8 та самолёт фаолияти тўхтатилди

**Хабарингиз бор — 7 сентябрь куни Москва вақти билан соат 16 да «Як Сервис» авиакомпаниясига қарашли «Як-42Д» самолёти Ярославлдаги «Туношна» аэропортидан кўтарилаётиб ҳалокатга учраган, яъни Волга дарёси қирғоғига қулаган эди. Унинг бортида 45 киши бўлиб, уларнинг 37 нафари «Локомотив» хоккей клуби спортчилари ва тренерлари, 8 нафари эса экипаж аъзолари эди.**

«Интерфакс» АА маълум қилишича, хоккейчилар навбатдаги ўйинда иштирок этиш учун Минскка йўл олган эдилар.

Ярославл области губернатори қарорига кўра, ҳудудда уч кунлик мотам ўтказилди. Фожиада ҳалок бўлганларнинг оилаларига эса шаҳар ва область маъмуриятлари 450 минг рублдан товон пули тўлайдиган бўлди, авиакомпания 2 миллион рублдан.

Воқеага гувоҳ бўлганларнинг айтишларича, самолёт кўтарилаётиб етарлича тезлик ололмаган. Ваҳоланки, учиш майдонининг узунлиги 3 километр эди.

Ҳалокат сабабларини ўрганиш ва суриштирув ўтказиш комиссияси маълумотларига қараганда, экипаж самолётда бирор-бир техник носозлик юзага келганлиги ҳақида диспетчерлик марказига хабар бермаган. Радиоалоқа самолёт парвозга кўтарилаётган пайтда узилган. Суриштирув-тергов қўмитаси баён қилишича, портловчи моддалар ва у билан боғлиқ излар топилмаган.

Россия Федерацияси ҳаводаги ҳаракатлар ташкилотининг ягона тизими бош маркази тасдиқлашича, «Туношна» аэропорти ҳар қандай самолётларни қабул қилишга ва ҳаво лайнерлари кўтарилишига яроқли. Бунинг устига, Европа авиация хавфсизлиги агентлиги 2009 йили «Як Сервис» авиакомпаниясини Россиядаги авиаташувларни амалга оширадиган бошқа компанияларга қараганда энг хавфсизи, дея тан олган.

Ушбу лайнернинг ҳавога кўтарилиши учун масъул бўлган авиадиспетчернинг гапларига қараганда, самолёт узоқ масофагача тезлик ололмаган ва ердан узилиш нуқтасидан анча ўтиб ҳавога кўтарилган. Аммо...

Фожианинг барча қурбонлари жасадлари Волга дарёси тубидан ғоввослар ёрдамида олиб чиқилди.

Самолётнинг иккала «қора қутиси» ҳам сувдан топилди. Мутахассислар ундаги барча сўзлашув ёзувларини таҳлил қилиб, ҳалокат сабабларини аниқламоқдалар.

Фожиа жойига Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведев ташриф буюрди. У мамлакатдаги авиакомпаниялар сони тезда қисқартирилиши ва мавжуд авиакомпанияларнинг барчасида экипаж аъзоларининг парвозларга тайёргарлик малакасини текширувдан ўтказиш тўғрисида ҳукуматга топшириқ берди. Транспорт вазири ўринбосари В. Окулов эса фаолияти тўхтатилиши керак бўлган авиакомпаниялар рўйхати тузилаётганини маълум қилди.

«Россавиация» манбаларида қайд этилишича, айни пайтда мамлакатда 138 та авиакомпания фаолият юритмоқда. 16 та авиакомпания 57 та «Як-42Д» самолётидан фойдаланади.

Ярославл остонасидаги мазкур авиаҳалокатдан сўнг «Ространснадзор» ташкилоти бу турдаги барча лайнерларнинг техник ҳолатини текширувдан ўтказишни бошлади. Ҳозиргача «Як Сервис», «Грозний Авиа», «Газпром авиа», «КрасАвиа» авиакомпаниялари тасарруфидаги самолётлардан 8 та «Як-42Д» ҳаво лайнерининг парвозини тақиқлади. Комиссия вакилларининг айтишларича, бу самолётларнинг техник ҳолати замон талабига жавоб бермаганлиги боис улардан фойдаланиб бўлмайди.

Дарвоқе, «Як Сервис» авиакомпанияси 1993 йилда ташкил топган. У бизнес-классли самолётлардан фойдаланувчи VIP-ташувга ихтисослашган. Россия пойтахтидаги «Внуково» ва «Биково» аэропортлари унинг базавий асосчилари ҳисобланади. «Як Сервис» авиакомпанияси ихтиёрида 4 та «Як-40» ва 1 та «Як-42Д» ҳаво лайнери бор.

Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, «Як-42Д» самолёти 1977 йилдан ишлаб чиқарила бошланган. Ҳалокатга учраган самолёт эса 1993 йили ишлаб чиқарилган.

**Интернет манбалари асосида**
**Алимбек ТОШБЕК шарҳлади.**

ЎзХДП Жиззах вилоят Кенгаши халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгаши депутати
**Азамат МАҲКАМОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

# Ҳакамлар ҳайъатини лол қолдирган юртимизнинг истеъдодли фарзандлари

**Италиянинг Сан-Бартоломео шаҳрида пианино ва камонли-торли чолғулар йўналишлари бўйича «Giovani Talenti e Rovere d`oro» 26-халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Финляндия ва Шотландия каби дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан келган истеъдодли ёш мусиқачилар ўзаро беллашди. Нуфузли танловда Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари Дилшод Нарзуллаев виолончел, Оқила Мирхўжаева эса фортепьяно ижрочилиги бўйича Гран-прига сазовор бўлиб, юртдошларимизни мамнун этишди.**





«Lastampa» — 1867 йилдан буён мунтазам нашр этиб келинаётган Италиядаги нуфузли газета. Унда асосан мамлакат ва дунё ҳаётида содир бўлаётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ёритилади. Газетанинг шу йил 29 июль сонида **«Rovere d`oro» ғолибларни намойиш этади»** номли мақола эълон қилинди. Унда «Ўн тўрт ёшли ўзбекистонлик мусиқачи Дилшод Нарзуллаев максимал балл — 100/100 билан Гран-прига сазовор бўлди», деб алоҳида таъкидланган.

**Италиялик ҳамкасбларимизнинг бундай эътирофи бежиз эмас, албатта. Зеро, Дилшод Италияда, ўша заминда ихтиро қилинган мусиқий чолғуда, италиялик улуғ виртуоз-скрипкачи Никколо Паганини асарларини катта маҳорат билан ижро этди.**

*Истеъдодли ёш мусиқачи 1997 йили Навоий шаҳрида туғилган. Унинг ота-онаси шифокор. Улар санъатни қадрлашади. Дилшод амакиси, таниқли бастакор ва хонанда Акром Ибодуллаевга ҳавас қилиб улғайди. Шундан бўлса керак, у дастлаб Навоийдаги болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олди, кейин Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўқишни давом эттирди.*

Дилшод илк бор 2008 йили Тошкентда бўлиб ўтган «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танловида ғолиб бўлди. Ўшанда унинг виолончел мусиқа асбобидаги ижроси энг юқори баҳога муносиб деб топилди. Шунингдек, ўша йили Қозоғистоннинг Актюбинск шаҳрида ташкил этилган нуфузли халқаро фестивалда учинчи, Остона шаҳрида бўлиб ўтган ёш мусиқачилар танловида иккинчи ўринни эгаллади.

Дилшоднинг фавқулодда ноёб қобилияти ва юксак ижрочилик маҳорати Италиядаги халқаро танловда яққол намоён бўлди.

— Менга ажратилган ўн беш дақиқа тугаши билан муҳташам мусиқа саройига йиғилган мингга яқин томошабин, ҳатто ҳакамлар ҳайъати ҳам ўрнидан туриб, олқишлай бошлади, — **дейди ёш мусиқачи.** — Улардан бири саҳнага чиқиб, мени бағрига босди, «Сендай фарзандни тарбиялаб вояга етказган ота-онангга, Ватанингга минг раҳмат», деди.

Итальян тилида: «Танлов ғолиби — Дилшод Нарзуллаев, Ўзбекистон», — деб эълон қилинганда қаттиқ ҳаяжон босди. Жуда хурсанд бўлдим, беихтиёр кўзимга ёш келди. Швейцариялик мусиқачи 95/100 балл билан биринчи ўринни эгаллаган, менга эса ҳайъат аъзолари 100/100 балл қўйишган эди. Айтишларича, танлов тарихида бундай ҳол кузатилмаган экан. Унда ҳакамлик қилган машҳур дирижёрлардан бири жаҳоннинг энг моҳир созандаларидан иборат оркестр ташкил этаётганини маълум қилди, шу созандалар орасида сени ҳам кўришни истардим, деди. Бошқа бир римлик ҳакам эса: «Мен сен билан бирга концерт бермоқчиман», — дея таъкидлади.

— Европада ўтказилган бундай нуфузли танловда Гран-прини қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди, — дейди **унинг устози, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Жаҳонгир Иброҳимов.** — Дилшоднинг чиқиши барчани тўлқинлантириб юборди. Шогирдим куйни шу қадар юракдан берилиб ижро этдики, назаримда, унинг ўзи ҳам куй қандай тугаганини сезмай қолди. Залдаги мухлислар ва ҳатто ҳакамлар «Абсолют, абсолют!» деб уни олқишлашди ва муддатидан олдин мутлақ ғолиб сифатида эътироф этишди. Мусиқа санъатининг донгдор дарғалари ҳайрат ва ҳавас билан уни эътироф этгани менга чексиз қувонч, фахр-ифтихор бағишлади. Айниқса, турли мамлакатдан келган номдор мутахассислар, ҳамкасблар: «Мана шундай шогирдларни тарбиялаётган сиз мураббийларга, истеъдодларга бой Ватанингизга ҳавасимиз келаяпти», — дейишганда бошим осмонга етди.

**...11 ёшли Оқила Италияга боришдан аввал ойисига: «Мана, кўрасиз, мен албатта биринчи ўринни олиб қайтаман», — деди. Муножот опа буни чин дилдан истаётган, туну кун Яратгандан қизига мадад сўраётган бўлса-да, негадир буни ундан яширди. Оқиланинг беғубор қалби эса умидга тўла эди.**

*...Оқила Мирхўжаева 2000 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ота-онаси уни 2007 йили Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига олиб келади. Улар Оқилани дастлаб хор дирижёрлиги йўналишига бермоқчи бўлди. Чунки опаси Фазилат айнан шу соҳа бўйича таълим оларди. Бироқ унинг иқтидорини синаб кўрган мутахассислар лицейнинг фортепьяно бўлимига қабул қилишди. Қизалоқнинг зийраклиги, куйни ҳис қила олиш қобилияти, фавқулодда ўткир хотираси билан тезда ўқитувчилар назарига тушди.*

Оқила илк бор 2010 йили Грециянинг Санторини шаҳрида бўлиб ўтган «The Muse Junior» Халқаро ёш мусиқачилар танловида кумуш медалга сазовор бўлди ва Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Тасанно» сертификати билан тақдирланди.

Италияга борган ўқувчиларимиз орасида кенжатой бўлган Оқила Мирхўжаева ўзининг бетакрор чиқишлари билан барчани ҳайратга солди, мусиқа ихлосмандлари ва ҳайъат аъзоларининг олқиш ва муҳаббатига сазовор бўлди.

— Танловда муносиб ўрин олиш учун белгиланган баллни тўплаш керак, — дейди **Оқила.** — Масалан, биринчи ўринни олиш учун 95/100 балл, Гран-прини қўлга киритиш учун 97/100 балл ёки ундан кўп балл йиғиш лозим бўлади. Танловнинг фортепьяно йўналишида фақат менга олий ўрин учун етарли балл қўйишди. Биринчи ўрин ҳеч кимга насиб этмади, иккинчи ўрин эгаси 94/100 балл тўплади, холос. Бундан ташқари, Гран-прини олганим учун мени медаль билан ҳам тақдирлашди. Танлов якунига етгач, италиялик ҳакамлар ҳайъати раиси Марселла Круделли мени эртаси куни бўладиган катта концертга таклиф этди.

— Бу ютуқ ва қувончлар замирида аввало мамлакатимизда ёш истеъдодларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик мужассам, — дейди **Оқиланинг ўқитувчиси, мусиқачи-педагог Гулжаҳон Ҳасанова.** — Ўтган йили лицейимиз замон талаблари асосида тўлиқ таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, янги мусиқа чолғулари келтирилди. Бугун ўқувчилар кенг ва ёруғ хоналарда, шинам машғулот залларида мусиқа сирларини эгаллаяпти. Бизнинг вазифамиз — кўрсатилган эътиборга муносиб жавоб бериб, Ватанимиз довруғини дунёга ёядиган чинакам истеъдодларни тарбиялаш ва юзага чиқаришдан иборат.

Дилшод ва Оқила каби истеъдодли ёшларимизнинг санъат оламидаги дадил қадамлари ҳақида ўйлаганда, давлатимиз раҳбарининг **«Фарзандларимизнинг жаҳон саҳналарида эришаётган бундай улкан муваффақиятлари барчамизга фахр-ифтихор, ғурур бағишлайди, кўнглимизни кўтаради. Зеро, бу ҳамма халқнинг ҳам, барча миллатлар фарзандларининг ҳам қўлидан келадиган иш эмас»,** деган сўзлари хаёлдан ўтади. Чиндан ҳам, буюк ғалабаларга интеллектуал салоҳияти беқиёс халқнинг ўғил-қизлари эришади. Ана шундай ёшлар орасида она юртимизнинг оловқалб фарзандлари ҳам борлиги кўнгилга қувонч бағишлайди...

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

**Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси жамоатчилик марказлари орасида кўрик-танлов ўтказган эди. Истиқлол байрами муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларига, ёлғиз ҳамда ногирон кексаларга, нуронийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ишларини юқори даражада ташкил этишга қаратилган мазкур кўрик-танловнинг ғолиблари тақдирланди.**

## Кексаларимиз иззатда!

Бугунги кунда юртимизда 3 миллион нафарга яқин нафақадаги инсонлар истиқомат қилишади. Улар орасида 8 минг нафардан ортиғи уруш қатнашчилари, 29 минг нафарга яқини ёлғиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар, 500 минг нафар ногиронлар, 2 минг нафар 100 ёшга тўлган ва ундан ошган нуронийлар бор. «Нуроний» жамғармаси ўтган олти ой давомида уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида жойлардаги бўлим ҳамда бўлинмалари ҳисобидан жами 372 миллион сўм миқдорида маблағ сарфлади.

Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда жамғарманинг жамоатчилик марказлари раҳбарлари ва фаолларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Жойларда фаолият кўрсатаётган жамоатчилик марказларининг сони 9 мингдан ортиқ бўлиб, ўтган ойлар давомида улар томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ёлғиз кексалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, тарихий шаҳарлар, муқаддас қадамжоларга саёҳат, зиёратлар уюштиришда муайян ишлар амалга оширилди.

— **Маҳалламизда 232 нафар кекса кишиларимиз бор,** — дейди кўрик-танлов ғолиби, Фарғона вилоятидаги Калдушан маҳалласи «Нуроний» жамоатчилик маркази раҳбари Эркинжон АҲМЕДОВ. — **Биз аввало уларнинг ижтимоий ҳимоясини ўрганиб чиқдик. Кимга қандай ёрдам кераклигига алоҳида эътибор қаратдик. Натижада ногирон отахон ва онахонларимиз тиббиёт ходимларининг доимий назоратида бўлди. Ёлғиз кексаларимизга эса ҳомийларимизнинг маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиб келяпмиз. Фаолиятимиз юқори баҳоланиб, кўрик-танловнинг ғолиби бўлганимиздан хурсандмиз. Бу эътироф албатта бизга янада катта масъулият юклайди.**

**(Ўз мухбиримиз).**

---

Миллий матбуот марказида

# «Малака ошириш — давр талаби»

**Халқ таълими вазирлиги ва «Истеъдод» жамғармаси ҳамкорлигида шу мавзуда матбуот анжуман бўлиб ўтди.**

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда педагог ходимлар малакасини оширишнинг самарали тизими яратилди. Бунда таълим муассасасининг буюртмасига асосан педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжига мос ҳолда унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилди. Малака оширишнинг «Режали-мажбурий» тизимидан «Йўналтирилган мақсадли» такомиллаштирилган тизимга ўтилди. Таълим мазмунининг тез суратларда янгиланиб, сифат даражаси ортиб бораётганлиги муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга келтирилди.

— Вазирлик тасарруфида ўн олтита педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари бор, — дейди Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Жаҳонгир Мусаев. — Уларда жами 841 нафар профессор-ўқитувчилар, жумладан, 40 нафар фан доктори, профессорлар, 143 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатади. Мазкур муассасаларда ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари раҳбарлари, мутахассис ва методистлари, директор ўринбосарлари, фан ўқитувчилари, тарбиячилар, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагог ходимлари малака оширади.

Малака ошириш институтларининг ўқув моддий-техник базасини мустаҳкамлаб бориш билан бир қаторда, масофадан ўқитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Малака ошириш институтлари ва жойлардаги 70 та таянч мактаблар қошида масофадан ўқитишнинг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. Улар лаборатория асбоб-ускуналари ва ўқув техника жиҳозлари, махсус мебеллар билан жиҳозланди. Бу тизимнинг жорий қилиниши ҳудудлардаги 200 минг нафарга яқин педагог ходимларнинг, айниқса, аёлларнинг ишдан ва оиласидан ажралмаган ҳолда малака оширишларини таъминлаш имконини беради.

Ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ташаббуси билан танлов асосида 800 нафардан ортиқ педагог ва илмий ходимлар дунёнинг илғор таълим ва илмий муассасаларида малака ошириб қайтди. Бундан ташқари жамғарма томонидан олий таълим муассасаларининг 369 нафар ёш педагоги хорижда илмий тадқиқотларини давом эттириши ва малака ошириши ҳам таъминланди.

Жамғарма жаҳонда эътироф этилган Олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиб, хорижлик етук профессор-ўқитувчиларни юртимизга тез-тез таклиф этаяпти. Бу борада манфаатли илмий тадқиқотларни ҳамкорликда олиб бориш бўйича алоҳида тизим яратилди. Жамғарма ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган халқаро анжуманларда эса юртимиздан 250 нафардан ортиқ педагог ва илмий ходимларнинг бевосита иштироки таъминланяпти. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган, илм-фан ва таълимни ишлаб чиқариш билан интеграциялашувини кўзда тутган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 1,5 миллион евродан ортиқ хорижий инвистициялар жалб қилинган.

**Жамғарма қошида Масофали ўқитиш маркази ташкил этилган. Унда барча таълим муассасаларидаги малака оширишни истаган профессор-ўқитувчиларни тўла қамраб олиш имконияти мавжуд.**

Бугунга қадар хорижий мамлакатлардаги таълим муассасаларининг масофали ўқитиш дастурлари асосида 269 нафар профессор-ўқитувчи малака оширди. Марказнинг интернет саҳифаси яратилган. Ҳозир Жамғарманинг порталида ўқиётганлар сони 4 минг нафардан ошади. Бундан ташқари Масофали ўқитиш марказида яратилган 30 та дастур асосида ташкил этилган кундузги мақсадли малака ошириш курсларида 9302 нафар ёш педагог ва илмий кадр малака ошириб, олган билимларини ўқув жараёнига татбиқ этмоқда.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Футбол

## «Насаф»нинг саккизинчи ғалабаси

**Осиё футбол конфедерацияси кубоги чорак финал босқичининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси Таиландда «Чонбури» футболчилари билан куч синашди.**

Учрашув ниҳоятда муросасиз ва шиддатли кечди. Ўйиннинг 47-дақиқасида «Насаф» жамоасининг черногориялик легионери Иван Бошкович томонидан киритилган ягона гол қаршиликларга муҳим ғалабани туҳфа этди — 0:1. Аҳамиятли жиҳати, Ўзбекистон миллий чемпионатининг ўтган ўн тўққиз учрашувида ҳали бирор маротаба ҳам рақиб дарвозасини ишғол эта олмаган бу ҳужумчи ОФК кубоги доирасидаги ўйинларда киритган голлари сонини тўққизтага етказиб олди.

Қувонарли томони, мусобақанинг бу йилги мавсумида «Насаф» футболчилари қаторасига саккизинчи ғалабасини нишонлашди. Бунгача аввалига гуруҳ босқичида «Ал-Ансор» (Ливан), «Демпо» (Ҳиндистон) ҳамда «Ал-Тилол» (Яман) жамоаларини икки мартадан доғда қолдирган «аждарлар» нимчорак финалда Иорданиянинг «Ал-Файсали» футболчиларини мағлубиятга учратганди. Ҳозирча «Насаф» клуби ОФК кубогининг 2011 йилдаги учрашувларида рақибларига бирорта ҳам очко улашмаган ягона жамоа бўлиб турибди.

Чорак финалнинг қолган учта баҳсида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Персипура Жаяпура» (Индонезия) — «Арбил» (Ироқ) — 1:2, «Қувайт СК» (Қувайт) — «Муанг Тонг Юнайтед» (Таиланд) — 1:0, «Ал-Виҳдат» (Иордания) — «Духок» (Ироқ) – 5:1.

ОФК кубогининг жавоб учрашувлари 27 сентябрь куни бўлиб ўтади. Икки учрашув натижасига кўра, ғолиблар ярим финалга йўлланма олишади. Агар «Насаф» футболчилари кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритишса, ярим финалда «Ал-Виҳдат» (Иордания) — «Духок» (Ироқ) жуфтлиги ғолибига қарши тўп суради.

**Эркин ХОЛБОБО**

---

**ОБ-ҲАВО 15-16.09. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 34°C | 33°C |
| Самарқанд | 32°C | 30°C |
| Нукус | 33°C | 32°C |
| Қарши | 34°C | 33°C |
| Урганч | 33°C | 32°C |
| Навоий | 31°C | 36°C |
| Фарғона | 31°C | 36°C |
| Бухоро | 31°C | 36°C |
| Андижон | 31°C | 36°C |
| Наманган | 31°C | 36°C |
| Термиз | 33°C | 38°C |
| Жиззах | 31°C | 36°C |
| Гулистон | 31°C | 36°C |
| Тошкент вил. | 31°C | 36°C |
| Лондон | 19°C | 19°C |
| Париж | 24°C | 21°C |
| Москва | 16°C | 16°C |
| Мадрид | 33°C | 34°C |
| Пекин | 25°C | 24°C |
| Гонгконг | 32°C | 31°C |
| Рим | 28°C | 29°C |
| Анқара | 29°C | 30°C |
| Токио | 32°C | 32°C |
| Стокгольм | 17°C | 18°C |
| Кейптаун | 16°C | 17°C |
| Қоҳира | 25°C | 30°C |
| Гавана | 33°C | 33°C |
| Вашингтон | 27°C | 27°C |

Газетанинг навбатдаги сони 20 сентябрь, сешанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 946
10439 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 20.30
Topshirilgan vaqti — 23.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5